

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53408-4.03**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР СОЛИҚ ТИЗИМИ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"  
таълим соҳасидаги 5340800 - "Солиқлар ва  
солиққа тортиш" бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. Қўзиева Н.,  
к.ўқ. Миржалилов Ш.

**Такризчилар:** доц. Усанов А.,  
доц. Альмардонов М.

Иқтисодиётда бозор муносабатларини тартибга солувчи воситаларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш ва пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишни таъминлашга, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий жихатдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига қаратилган чора-тадбирлар тизимида давлатнинг тўғри ва адолатли солиқ сиёсати алоҳида ўринни эгаллайди ва муҳим аҳамиятига эга бўлади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқ тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда бу борадаги қонунларни такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Солиқ тўловлари, солиқ имтиёзлари билан биргаликда чет мамлакатларнинг солиқ тизими, тажрибаларини республикамизда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва солиштирма таҳлил ўтказишдан иборатдир.

В соответствии с государственным стандартом Высшего образования дисциплина "Налоги и налогообложение является предметом по специальности направления "Налоги и налогообложение". В процессе преподавания данной дисциплины раскрываются содержание таких тем, как механизм уплаты налоговых и неналоговых платежей юридическими и физическими лицами. Данная программа одобрена и рекомендована Министерством Высшего и средне-специального образования Республики Узбекистан.

State's true and justice tax policy has main part and importance in oriented actions of substations and strengthening regular means of market relations of economy, stabling consumption market and the final objectively improve people's life level, jointing of independence Uzbekistan to world community. Great changes are happening in tax system along the transition to a market relations. Upgrading of laws has important part in deepening of economic reforms in Republic. Our prospects are to learn tax payments, tax allowances with foreign counties' tax system, possibility of using of their experiences in our Republic and comparative analysis. Subject of "Foreign countries tax system" has main tasks and they are to teach industrialized counties tax system and their relations with budget, organizing calculations. This subject's teaching program recommended to

students, which are studying in high education system, specialization of "Finance and credit".

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастурлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## **1. СЎЗ БОШИ**

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

Ўз мақсадидан келиб чиққан ҳолда ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизими ва бюджет билан муносабатлари, бюджетда тақсимланиши, ҳисоб-китобларни ташкил этишни ўргатиш "Чет мамлакатлар солиқ тизими" фанининг асосий вазифасидир. Мазкур фаннинг ўқув дастури Олий ўқув юртларида "Молия ва кредит" мутахассисликларида таълим олаётган талабалар учун тавсия этилади.

Ушбу фанни ўзлаштиришда талаба қатор фанлар билан мазмунан таниш бўлиши лозим. Жумладан, "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Солиқ назарияси", "Молия назарияси", "Иқтисодий назария" фанлари пухта ўрганилиши керак. "Чет мамлакатлар солиқ тизими" фани "Бухгалтерия ҳисоби", "Информацион технологиялар", "Иқтисодий таҳлил" каби фанлари билан ҳам узвий боғлиқдир.

### **Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар**

"Чет мамлакатлар солиқ тизими" фани бўйича талабаларнинг билими, уқуви ва кўникмасига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- жаҳон солиқ моделларини таҳлил қилишга;
- чет мамлакатлардаги солиқ тизимининг амал қилиш тартибини ўрганишга;
- жаҳон солиқ тизимининг ҳар бир солиқ тури бўйича ўзига хос хусусиятли томонларини таҳлил қилишга;
- хорижий мамлакатлар солиқ тизимини республикаимиз солиқ тизими билан солиштирма таҳлил қилишга;
- қилинган таҳлиллар натижасида мустақил амалий ва назарий таклифларни келтиришга ўрганади.

### **Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар**

Олий касбий таълимнинг "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши давлат стандартларида мазкур курсга 189, шу жумладан 54 маъруза, 72 амалий, 63 мустақил таълим соатлари ажратилган.

### **Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

"Чет мамлакатлар солиқ тизими" ўқув муддатининг курснинг VI-VII семестрларида ўқитилади. Мазкур фанни ўқитишда талабаларнинг билимини баҳолаш тўрт марта оралик, тўрт марта жорий ҳамда якуний назорат шаклида ўтказилади. Якуний назорат ёзма иш шаклида ташкил этилади.

### **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларни қўллаш**

Ушбу фанни ўзлаштиришда илғор педагогик технологияларнинг қуйидаги таркибий қисмларидан:

- фанни мазмунини кўрсатувчи кўرғазмали қуроллардан фойдаланиш;
- таянч ибораларни ва сўз луғатларидан назорат ишини ташкил этиш;
- чет мамлакатларда солиқ турлари бўйича ишлаб чиқилган ҳисоб-китоб шакллари билан яқиндан танишиш;
- мавзулар бўйича слайдлар, компьютер дастурларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### **Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар**

Ушбу фанни чуқур ўрганиш бошқа махсус фанларни талабаларга ўргатишда асос бўлади ва олий ўқув юртини тугатгандан сўнг келгуси амалий фаолиятида олган билимларини қўллашга керак бўлади.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **"Чет мамлакатлар солиқ тизими" фани бўйича маъруза машғулотлари мавзулари**

#### **Ривожланган давлатларда солиқларнинг моҳияти**

Солиқ муносабатларининг юзага келиши ва унинг ривожланиши. Солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ва хорижий давлатлар иқтисодиётини тартибга солишдаги роли. Солиқлар тўғрисидаги фанларнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши. Солиқлар тўғрисида дунё иқтисодчи олимларининг қарашлари. Солиқларнинг товар-пул муносабатларини такомиллашган босқичидаги аҳамияти. *Хорижий давлатлар солиқ тизими тузилишига умумий тавсиф. Солиққа тортишдаги умумий тамойиллар ва олинши*

*узулидаги тафовутлар. Давлатнинг иқтисодий ва солиқ сиёсатининг уйғунлашуви. Солиқ сиёсатидаги эластиклик. Солиқ бўйича молиявий жарималарнинг роли. Солиқ хизмати органларининг ишларини ташкил этиш усуллари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Солиқ инспекцияси ишини марказий автоматлашган электрон усулига ўтказилишининг моҳияти ва уларнинг тажрибаларидан республикада солиқ тизими амалиётида фойдаланишнинг аҳамияти.*

### **АҚШ давлати солиқ тизимининг тузилиши**

*АҚШ давлат тузилиши. АҚШ бюджет-солиқ тизимининг тузилиши ва солиқ тамойилларининг ўзига хос хусусиятлари. 1986 йилда ўтказилган солиқ ислоҳоти. Солиқларни гуруҳлаш: даромад солиқлари, истеъмол солиқлари, капитал солиқлари, корпорациялардан олинadиган солиқ. Солиқ объекти, ставкалари ва солиқдан енгилликлар, декларацияни тўлдириш тартиб-қоидалари.*

*Мол-мулк солиқлари, мерос, совғалар ва транспорт воситаларидан олинadиган солиқлар. Акцизлар ва божхона божлари. Ишбилармонлардан олинadиган солиқлар. Солиқ тизимида солиқ имтиёзларининг қўлланилиши. Солиқ тушумларини назорат қилиб бориш тартиблари ва усуллари. Федерал, штат ва маҳаллий солиқларнинг бюджет даромадларидаги ҳиссаси. Тўғри ва эгри солиқларининг умумсолиқ тушумларидаги салмоғи. Федерал ва регион солиқларни белгилаш асослари.*

### **Буюк Британия давлати солиқ тизимининг тузилиши**

*Буюк Британия солиқ тизимининг тузилиш тамойиллари, солиқларнинг гуруҳланиши. Бюджет даромадларининг шаклланишида тўғри ва эгри солиқларнинг ҳиссаси. Тўғри солиқлар: даромад солиғи, корпоратив солиқ, мол-мулк солиғи, транспорт воситаларидан солиқ; Эгри солиқлар: ҚҚС, акцизлар, шоу-бизнесдан солиқ, божхона божлари, от ва ит пойгаларидан йиғим. Солиққа тортишда муниципалитетларнинг ҳуқуқлари. Солиқ идоралари томонидан солиқ тушумларини назорат қилиб бориш тартиби. Солиқларнинг мамлакат иқтисодини ривожлантиришдаги аҳамияти.*

### **Германия давлати солиқ тизимининг тузилиши**

*Жаҳон тизимида Германия давлатининг иқтисодий кудрати. Германия давлатининг молия тизимининг тузилиши. Бюджет тузилиши жараёни. Бирлашган Германия давлати даромадлари ва давлат даромадларида солиқларнинг тутган ўрни. Германия давлати солиқ тизими тузилиши ва унинг ўзига хослиги. Солиқ тизими звенолари: умумдавлат, федерал, ер ва обшина солиқлари.*

Германияда асосий солиқ турларини ҳисоблаш ва ундириш тартиби: даромад солиғи, ҚҚС, импорт оборотидан солиқ, ер солиғи, хунармандчиликдан солиқлар ва транспорт воситалари эгаларидан солиқ. Тўғри ва эгри солиқлар. Солиқ ставкалари, солиқлар бўйича имтиёзларнинг қўлланилиши.

#### **Франция давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Франция давлати солиққа тортилиш принциплари, солиқларнинг тузилишлари ва уларнинг Овropa Иқтисодий Иттифоқи давлатларига нисбатан ўзига хослиги.

Солиқларнинг турлари. Даромад солиғи: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи: корхоналарнинг даромад солиғи; юқори фойдани ва қимматбаҳо қоғозларга қўйиладиган даромадларни солиққа тортишнинг ўзига хос тартиби. Истеъмол солиғи. ҚҚС. Эгри солиқлар ва божхона божи. *Капитал учун солиқ. Рўйхатга олиш бадаллари. Мулк эгалари ва меросхўрлик солиқлари. Давлат божи ва анологик бадалликлар. Тўғри маҳаллий солиқлар.*

#### **Япония давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги солиқ ислоҳоти. *Япония давлати ҳокимият органларининг тузилиши. Бюджет солиқ тизимининг тузилиши асослари, ўзига хос хусусиятлари ва Европа мамлакатлари солиқ тизими билан солиштирма таққослаш.*

Солиқларнинг гуруҳланиши: давлат солиқлари, префектура солиқлари, маҳаллий солиқлар. Тўғри даромад солиқлари: жисмоний шахслардан даромад солиғи, юридик шахслардан даромад солиғи. Мол-мулкка тўғри солиқлар: ер солиғи, мулк солиғи, олинган фоиз даромадларига солиқ. Тўғри ва эгри истеъмол солиқлари: сотувдан солиқ, хизматларга солиқ, акцизлар.

Солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланиши. Солиқларнинг бюджет даромадларидаги салмоғи.

#### **Канада давлати солиқ тизимининг тузилиши**

*Канада давлати солиқ тизими тузилиши принцип ва механизмларининг ташиқил этилиши. Солиқларнинг тузилиши ва уларни ўзига хос хусусиятлари. Бюджет тизимининг бўғинлари ва мос равишда солиқларнинг бюджетга даромад келтириш механизми. Давлат ҳокимияти тузилишининг солиқ тизимига таъсир этиши.*

Солиқларнинг турлари, даромад солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, корхоналар даромадига солиқ. *Эгри истеъмол солиқлари: сотувдан солиқ, божхона божи, хизматларга солиқ. Мулк солиқлари: ер солиғи, ердан фойдаланганлик учун солиқ. Солиқларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодиётга таъсири.*

### **Россия Федерацияси солиқ тизимининг тузилиши**

Россия Федерацияси солиқлар классификацияси. Федерал, республика ва маҳаллий солиқлар таркиби. Корхона ва ташкилотлар фойдасига солиқ: солиқнинг моҳияти, солиқ ставкаси, солиқ тўлаш муддати, солиқ имтиёзлари, ҳисоблаш тартиби. Жисмоний шахслар даромадига солиқ; солиқнинг моҳияти, солиққа тортиладиган даромад ва солиқ имтиёзлари. Қўшилган қиймат солиғи. ҚҚСдан имтиёзлар. ҚҚСнинг асосий ставкалари. Бошқа тўловлар. Божхона бождари. Корхоналарда нафақа ва ижтимоий суғурта. Ижтимоий таъминот фондларига бадаллар.

### **Швейцария давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Швейцария давлати органларининг тузилиши. Бюджет солиқ тизими тузилиш принциплари ва асослари. Солиқларни бюджет бўғинларида тақсимланиши. *Корпорациялардан солиқ, ҚҚС, мол-мулк солиғи. Мол-мулкка миллий солиқ, даромадга миллий солиқ, маҳаллий солиғи.* Аҳоли даромадларини солиққа тортишдаги муҳим хусусиятлар, солиқдан енгилликлар. Солиқларнинг иқтисодга таъсири. Солиқларнинг бюджет даромадларидаги салмоғи ва уларнинг таҳлили.

### **Италия давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Италия давлатида солиқларнинг вужудга келиши ва аҳамияти.

*Италияда билвосита солиқларнинг хусусиятлари. ҚҚС ставкаси, ҚҚС бўйича бериладиган имтиёзлар. Акциз солиғи ставкалари, тўлаш муддатлари, ҳисоблаш тартиби.* Жисмоний шахслар даромадларига солиқ. Соф даромад тушунчаси. Ерга эгалик қилиш солиғи. Ижарадан олинган даромадга солиқ. Жисмоний шахслар даромадига солиқнинг ставкалари. Италиянинг муниципал ва бошқа солиқлар таркиби. Реклама солиғи. Реестр йиғимлари. Давлат йиғимлари. Мерос ва совғага солиқ. Италияда солиқларни ундириш усуллари.

### **Дания давлати солиқ тизимининг тузилиши**

*Дания солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Федерал ва маҳаллий солиқлар. Солиқ тўловчиларни гуруҳлаш.*

*Капитал бўйича операцияларни солиққа тортиш.* Инвестицияларга солинадиган солиқ. Корхоналар даромадини солиққа тортиш тартиби. Солиққа тортиладиган даромаднинг таркиби. Солиқ ставкалари ва солиқларни ҳисоблаш механизми.

## **Австрия давлати солиқ тизимининг тузилиши**

*Австрия давлати иқтисодий ривожланишида солиқларнинг ўрни. Солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Солиқларнинг гуруҳланиши. Бюджет тизими ва унга мос равишда солиқларнинг тақсимланиши.*

Солиққа тортишда белгиланган шартлар, махсус қоидалар ва декларацияга оид қоидалар. Корхоналардан олинadиган солиқлар: даромад солиғи, ҚҚС, ташқи тижоратдан солиқ. Мол-мулк солиғи, акцизлар, муҳр солиғи, божхона божи, эгалик солиғи, импорт солиғи.

Аҳолидан олинadиган солиқлар: даромад солиғи, мол-мулк солиғи, транспорт сотиб олишдан солиқ, меросдан солиқ. Солиқларнинг бюджет даромадларидаги салмоғи ва уларнинг таҳлили.

## **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида солиқ тизимининг тузилиши (Россия Федерациясидан ташқари)**

МДҲ мамлакатлари солиқлар тўғрисида умумий тушунча. Солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Солиқ органларининг тузилиши ва вазифалари. Солиқ тизимининг таркибий тузилиши. Солиқ турлари. Эгри ва тўғри солиқлар. Қўшилган қиймат солиғи. Жисмоний шахслар даромадига солиқ. Солиқ ставкалари. Солиққа тортиш муддатлари. Солиқларни ҳисоблаш механизми. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. Мол-мулк солиғи. Ер солиғи. Маҳаллий йиғимлар таркиби.

МДҲ давлатлари билан Европадаги бошқа давлатлар солиқлари ўртасидаги ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятлар.

## **Бошқа давлатлар солиқ тизими ва баъзи бир солиқ турларининг ўзига хос хусусиятлари**

*Туркия давлати солиқ тизими. Нидерландия давлати солиқ тизими. Сурия давлати солиқ тизими. Англия давлати солиқ тизими.*

Корхоналардан олинadиган солиқлар; Аҳолидан олинadиган солиқлар; Тўғри ва эгри солиқлар; Давлат ва маҳаллий солиқлари.

## **Ривожланган хорижий давлатларнинг солиқ тизими тажрибаларини республикамизда фойдаланиш имкониятлари**

АҚШ давлати ва Ўзбекистон солиқ тизимининг ўзаро қиёсий таҳлили. *АҚШ, Европа ва Осиё давлатлари ижобий тажрибаларидан фойдаланишининг ахамияти.*



### **3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

#### **Ривожланган давлатларда солиқларнинг моҳияти**

Солиқ муносабатларининг юзага келиши ва унинг ривожланиши. Солиқларнинг давлат бюджети даромадларида ташкил топишдаги ва хорижий давлатлар иқтисодиётини тартибга солишдаги роли. Солиқлар тўғрисидаги фаннинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши. Солиқларнинг товар-пул муносабатларини такомиллашган босқичидаги аҳамияти. Хорижий давлатлар солиқ тизими тузилишига умумий тавсиф\*. Давлатнинг иқтисодий сиёсати билан солиқ сиёсатининг уйғунлашиб кетиши. Солиқ бўйича молиявий санкцияларнинг роли. Солиқ бошқармаларининг ишларини ташкил этиш усуллари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари\*. Солиқ инспекцияси ишини марказий автоматлашган электрон усулига ўтказилишининг моҳияти ва улар тажрибаларини республикамиз амалиётида қўлланилиш аҳамияти.

#### **АҚШ давлати солиқ тизимининг тузилиши**

АҚШ давлат тузилиши. АҚШ бюджет тизими, шу жумладан, солиқ тизимини тузилиши ва солиқ тамойилларининг ўзига хос хусусиятлари\*. 1986 йилда ўтказилган солиқ ислоҳоти. Солиқларни гуруҳлаш: даромад солиқлари, истеъмол солиқлари, капитал солиқлари, декларация тўлдириш тартиби қоидалари, корпорациялардан солиқ\*. Солиқ объекти, ставкалари ва солиқдан енгилликлар.

Мол-мулк солиқлари. Акцизлар ва божхона божлари. Солиқлардан енгилликларни иқтисодий аҳамияти. Солиқ тушумларини назорат қилиб бориш тартиблари, усуллари. Федерал, штат ва маҳаллий солиқларни бюджет даромадларидаги ҳиссаси.

#### **Буюк Британия давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Буюк Британия солиқ тизими тузилиши тамойиллари, солиқларнинг гуруҳланиши\*. Тўғри солиқлар: даромад солиғи, корпоратив солиқ, мол-мулк солиғи, транспорт воситаларидан солиқ; Эгри солиқлар: ҚҚС, акцизлар, ўйин бизнесдаги солиқ, божхона божлари, от ва ит пойгаларидан йиғим. Солиққа тортишда муниципалитетларнинг ҳуқуқлари\*. Солиқларнинг мамлакат иқтисодини ривожлантиришдаги аҳамияти.

#### **Германия давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Жаҳон тизимида Германия давлатининг иқтисодий қудрати. Германия давлати молия системасининг тузилиши\*. Бюджет тузилиши ва жараёни. Бирлашган

Германия давлати даромадлари ва давлат даромадларидан солиқларнинг тутган ўрни. Германия давлати солиқ тизими тузилиши ва унинг ўзига хослиги\*.

Германияда асосий солиқ турларини ҳисобланиши ва олиниш тартиби: даромад солиғи, ҚҚС, импорт оборотидан солиқ, ер солиғи, хунармандчиликдан солиқлар ва транспорт воситалари эгаларидан солиқ\*. Тўғри ва эгри солиқлар.

#### **Франция давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Франция давлати солиққа тортилиш принциплари, солиқларни тузулишлари ва уларни Европа Иқтисодий Иттифоқи давлатларига нисбатан ўзига хослиги\*.

Солиқларнинг турлари. Даромад солиғи: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи: корхоналарнинг даромад солиғи; юқори фойда ва қимматбаҳо қоғозларга қўйиладиган даромадларни солиққа тортилишини ўзига хос тартиби. Истеъмол солиғи. ҚҚС. Капитал учун солиқ\*. Рўйхатга олиш бадаллари. Мулк эгалари ва меросхўрлик солиқлари. Маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ-бюджет ҳуқуқлари. Тўғри маҳаллий солиқлар.

#### **Япония давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Урушдан кейинги солиқ ислоҳоти. Япония давлати ҳокимият органларининг тузилиши\*. Бюджет ва солиқ тизимини тузилиш асослари, ўзига хос хусусиятлари ва Европа мамлакатлари солиқ тизими билан солиштирма таққослаш\*.

Солиқларнинг гуруҳланиши: давлат солиқлари, префектура солиқлари, маҳаллий солиқлар.

Солиқларни бюджет ўртасида тақсимланиши, бюджетлардаги салмоғи, иқтисодий аҳамияти ва уларни бошқаришдаги таъсири.

#### **Канада давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Канада давлати солиқ тизими тузилиши принцип ва механизмларни ташкил этилиши\*. Солиқларнинг тузилиши ва уларни ўзига хос хусусиятлари. Бюджет тизимининг бўғинлари ва мос равишда солиқларнинг бюджетга даромад келтириш механизми.

Солиқларнинг турлари, даромад солиғи, жисмоний шахслардан даромад солиғи, корхоналар даромадига солиқ. Эгри истеъмол солиқлари: сотувдан солиқ, божхона божи, хизматларига солиқ. Мулк солиқлар: ер солиғи, ердан фойдаланганлик учун солиқ.

#### **Россия Федерацияси солиқ тизимининг тузилиши**

Россия Федерацияси солиқлари классификацияси\*. Федерал, республика ва маҳаллий солиқлар таркиби\*. Корхона ва ташкилотлар фойдасига солиқ:

солиқнинг моҳияти, солиқ ставкаси, солиқ тўлаш муддати, солиқ имтиёзлари, ҳисоблаш тартиби. Жисмоний шахслар даромадига солиқ; солиқнинг моҳияти, солиққа тортиладиган даромад ва солиқ имтиёзлари. Қўшилган қиймат солиғи. ҚҚСнинг асосий ставкалари. Бошқа тўловлар. Божхона бождари.

### **Швейцария давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Швейцария давлати органларини тузилиши\*. Бюджет ва солиқ тизими тузилиш принциплари ва асослари. Солиқларнинг бюджет бўғинларида тақсимланиши. Корпорациялардан олинадиган солиқ, ҚҚС, мол-мулк солиғи. Мол-мулкка солиқ, даромадга солиқ, маҳаллий солиқлар. Аҳоли даромадларини солиққа тортишдаги муҳим хусусиятлар, солиқдан енгилликлар\*.

### **Италия давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Италия давлатида солиқларнинг вужудга келиши ва аҳамияти.

Италияда билвосита солиқларнинг хусусиятлари\*. ҚҚС ставкаси, ҚҚС бўйича бериладиган имтиёзлар. Акциз солиғи ставкалари, тўлаш муддатлари, ҳисоблаш тартиби. Жисмоний шахслар даромадларига солиқ. Ерга эгалик қилиш солиғи\*. Ижарадан олинган даромадга солиқ. Жисмоний шахслар даромадига солиқнинг ставкалари. Реклама солиғи. Герб йиғими. Реестр ёки қайд қилиш йиғимлари. Давлат комиссия йиғимлари\*.

### **Дания давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Дания солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари\*. Федерал ва маҳаллий солиқлар.

Капитал бўйича операцияларни солиққа тортиш. Инвестицияларга солинадиган солиқ. Корхоналар даромадини солиққа тортиш тартиби. Солиққа тортиладиган даромаднинг таркиби\*.

### **Австрия давлати солиқ тизимининг тузилиши**

Австрия давлати иқтисодий ривожланишида солиқларнинг ўрни\*. Солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Солиқларни гуруҳланиши. Бюджет тизими ва унга мос равишда солиқларни тақсимланиши.

Солиққа тортишда белгиланган шартлар, махсус қоидалар ва декларацияга оид қоидалар\*. Корхоналардан олинадиган солиқлар: даромад солиғи, ҚҚС, ташқи тижоратдан солиқ. Мол-мулк солиғи, акцизлар, муҳр солиғи, божхона божи, эгалик солиғи, импорт солиғи.

Аҳолидан олинадиган солиқлар: даромад солиғи, мол-мулк солиғи, транспорт сотиб олишдан солиқ, меросдан солиқ.

### **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида солиқ тизимининг тузилиши**

МДҲ мамлакатлари солиқлар тўғрисида умумий тушунча. Солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари\*. Солиқ органларининг тузилиши ва вазифалари. Солиқ турлари. Эгри ва тўғри солиқлар. (Украина, Латвия ва Грузия мисолида). Қўшилган қиймат солиғи. Жисмоний шахслар даромадига солиқ. Солиқ ставкалари. Солиқ тўлаш муддатлари. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. Мол-мулк солиғи. Ер солиғи. Маҳаллий йиғимлар таркиби.

МДҲ давлатлари билан Европадаги бошқа давлатлар солиқлари ўртасидаги қиёсий таҳлил\*.

### **Марказий Осиё давлатларида солиқ тизимининг тузилиши**

Марказий Осиё мамлакатлари солиқлари тўғрисида умумий тушунча. Солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари\*. Солиқ органларининг тузилиши ва вазифалари. Солиқ тизимининг таркибий тузилиши. Солиқ турлари. Эгри ва тўғри солиқлар. (Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон мисолида).

Қўшилган қиймат солиғи. Акциз солиғи. Жисмоний шахслар даромадига солиқ. Солиқ ставкалари. Солиққа тортиш муддатлари. Солиқни ҳисоблаш механизми. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. Мол-мулк солиғи. Ер солиғи\*.

### **Бошқа давлатлар солиқ тизими ва баъзи бир солиқ турларини ўзига хос хусусиятлари**

Туркия давлати солиқ тизими\*. Нидерландия давлати солиқ тизими. Сурия давлати солиқ тизими\*. Англия давлати солиқ тизими. Корхоналардан олинadиган солиқлар\*; Аҳолидан олинadиган солиқлар; Тўғри ва эгри солиқлар; Давлат ва маҳаллий солиқлар.

### **Ривожланган хорижий давлатларнинг солиқ тизими тажрибаларини республикамизда фойдаланиш имкониятлари**

АҚШ давлати солиқ тизимини Ўзбекистон солиқ тизими билан қиёсий таҳлили\*. АҚШ давлати солиқ тизимидан республика солиқ тизимида фойдаланиш масаласи. Буюк Британия, Франция давлатлари солиқ тизимларини Ўзбекистон солиқ тизими билан солиштирма таҳлили\*. Назарий хулосалар ва амалий таклифлар.

## **4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР**

Бу фанни ўқитиш жараёнида қуйидаги замонавий техник воситалардан фойдаланиш белгиланган:

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жихозлар;
3. Диопроектор;
4. Кодаскоп;
5. Интернет тармоғи сайтлари:

- E-mail: [mail@finstat.ru](mailto:mail@finstat.ru)  
<http://www.finstat.ru/>
- E-mail: [valeo@etel.ru](mailto:valeo@etel.ru)  
<http://www.alpbook.ru/>
- E-mail: [alpina@alp.ru](mailto:alpina@alp.ru)

## **5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ**

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралик баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ "ёзма иш" шаклида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида" "ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом билан белгиланади. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича 55 ва унда юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) ҳисобланади.

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари -Т.: Ўзбекистон. 1998.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаш-тириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон 1998.
5. Йўлдошев М., Гурсунов Й. Солиқ ҳуқуқи -Т.: Молия, 2000.
6. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: Академия, 2002.
7. Налоги и налогообложение в вопросах и ответах: часть 1. -Т.: ГНК, 1998.
8. Налоги и налогообложение в Российской Федерации (учебник для ВУЗов). -М.: Книжный мир, 1999.
9. Налоги под.ред. Д.Г Черника (учебное пособие). -М.: Финансы и статистика, 1998.
10. Финансы (Под. ред. Дробозиной Л.А.) -М.: Юнити, 2000.
11. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Консаудит информ, 2001.
12. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти -Т.: Ғ. Ғулом, 2000.
13. Яхёев Қ. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. -Т.: 1999.
14. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. -М.: Юнити, 2000.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Дернберг Р. Международное налогообложение. -М., 1997.
2. Гутник В. Финансовая система // Финансовые вести. 1998. № 26.
3. Козырин А. Налоговое право зарубежных стран. -М., 1995.
4. Налоговые системы зарубежных стран (2-е издание) -М.: Закон и право, 1997.
5. Налоги, 4-изд. Учебное пособие. -М.: Финансы и статистика, 1999.
6. Налоговое право и налоги, (под ред. Брызгалина В.) -М., 1998.
7. Налоги зарубежных стран, (под ред. Князева В.Г.) -М., 1997.
8. Сутырин С., Погорлецкий А., Налоги и налоговое планирование в мировой экономике. -М.: С-Пб., 1998.
9. Япония: иқтисодий, жамият ва фан-техника тараққиёти, (Познер Я., Зайцев В.) – М.: Наука, 1999.

Юткина И., Налоги и налогообложение. - М.: Юткина, 2001.